

**«Фортепианода чалишни ўргатиш услубиёти» фанидан ўқувчиларнинг
мустақил таълим олишда AvtoPlay дастури имкониятларидан
фойдаланиши»**

Аннотация: Ушбу мақоланинг мазмуни «Фортепианода чалишни ўргатиш услубиёти» фанидан ўқувчиларнинг мустақил таълим олишда AvtoPlay дастури имкониятларидан фойдаланишга қаратилган фикр ва мулоҳазаларга бағишланган.

Калим сўз: Мустақил таълим, AvtoPlay дастури, фортепианода чалишни ўргатиш услубиёти, санъат, халқнинг маънавий қадриятлар, қобилият.

Аннотация: Содержание этой статьи посвящено использованию программы AutoPlay при самостоятельном обучении по предмету «Методика обучения фортепиано»

Ключевые слова: Самостоятельное обучение, программа AvtoPlay, игровые методы, методика обучения фортепиано, искусства, народные ценности, навыки.

Annotation: The content of this article is devoted to the use of the AutoPlay program for self-study on the subject “Piano training methodology”

Key words: Self-study, AvtoPlay program, gaming methods, piano learning techniques, arts, folk values, skills.

Мустақиликни қўлга киритиш Ўзбекистон Республикасида санъатга бўлган эътиборни ортиб бориши умуман таълим тизимидаги ўқув муассасалар, хусусан санъат коллежлари олдига ғоявий – эстетик ва профессионал таълимни янада чуқурлаштириш вазифасини қўймоқда.

Санъат халқнинг маънавий қадриятларидан бири бўлиб, дунё ҳамжамият олдига унинг юзини кўрсатувчи омилдир. Шу сабабли ҳам бу соҳадаги таълим - тарбия жараёнининг илмий асосларини мунтазам такомиллаштириш, педагогик маҳоратини янада ўстириш, ўқувчиларнинг мустақил таълим олишларини йўлга қўйиш, таълимда тарбиянинг аҳамияти кучайтириб бориш талаб этилади.

Бугунги кунда фақат юксак билимли, замонавий, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган амалий касб ҳунарга эга ёшларгина мамлакатнинг буюк келажагини таъминлаши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентимиз таъбири билан айтганда, “Биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки, бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса,

интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар миллат ва халқ учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса, бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар”.

Ўқувчиларнинг ҳар тамонлама етук инсон бўлиб этилишида мусиқа ўқитувчиларнинг ўрни бекиёс. Бугунги кун мусиқа ўқитувчиси фақатгина дарсликдан фойдаланиб қолмасдан, ҳар бир дарс учун ўзи ҳам кичик кашфиётлар яратиши керак. Чунки болаларни қирқ беш дақиқалик дарс мобайнида диққатини фаоллаштириб мусиқий билим бериш – бу мураккаб жараён. Шунинг учун болаларга турли кўргазмалар, мултимедия ҳужжатларини AvtoPlay яратишда дастури имкониятлар ва ўйинлар орқали мусиқий таълим бериш уларнинг нутқи ривожланишига ва фикр доираси кенгайишига имкон беради. Энг асосийси, мусиқий дарсда самарадорликка эришилади.

Баркамол профессионал созандани тарбиялашга қаратилган ўқув фанлари орасида «Фортепианода чалишни ўргатиш услубиёти» муҳим аҳамиятга эга. Санъат коллежларининг «Фортепианода чалишни ўргатиш услубиёти» фанида ўқувчи нафақат назарий билимини, ижрочилик маҳоратини мукаммаллаштириб қолмасдан, балки мустақил таълим олиш кўникмасини ҳам ўзлаштиради. Бинобарин, айнан мустақил таълим олиш кўникмаси орқали бўлғуси кичик мутахассис пианиночи фортепианода чалишни ўргатиш услублари билан яқиндан танишиши мумкин.

Санъат коллежларида “Фортепианода чалишни ўргатиш услубиёти” фани бошқа фанларга нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ихтисосликни ўргатишда муҳим аҳамият касб этади. “Фортепианода чалишни ўргатиш услубиёти” фанини ўқитиш жараёнини ташкил этишда, таълим методларини танлашда, назарий ва амалий машғулотларини ўтказишда, ўқувчиларда мустақил изланувчанлик қобилиятларини шакллантиришда, услубий мажмуаларни яратишда, бошқача ёндашув талаб этилади.

Ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг ижрочилик қобилиятларини ошириш муаммоси мураккаб ва кўп қирралидир. Шунинг учун ўқувчилар илмий-назарий ва амалий билимларини оширишда уларнинг касбга бўлган қизиқиши ҳамда ижрочилик қобилиятини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда шуни эсдан чиқармаслик керакки, ўқитиш жараёнида ўқувчилар ижрочилик қобилиятларини ошириш ва уларнинг амалий кўникма, малакаларини шакллантириш учун мусиқий таълим жараёнига юқори даражали малакага эга бўлган, қобилиятли ҳамда моҳир усталарни жалб қилиш, уларни мустақил билим олиши ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилиши зарур.

Таълим жараёнида санъат коллежларида ўқувчиларни мустақил изланиш ва ишлашга, касбий ҳамда ҳаётий муаммоларни мустақил ечишга ўргатиш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ҳозирги даврда техника ва технологияларнинг кун сайин ўзгариб бориши ҳамда билимларнинг янгиланиши замонавий шароитларга мослашиш кўникмасига эга бўлиш, янги билимларга интилишни талаб этади.

Бизнинг фикримизча, санъат коллежлари ўқувчиларининг эркин ва мустақил фикрлаш ҳамда ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун турли муаммоли вазиятларда мустақил қарор қабул қилиш малакаларини шакллантиришни, уларнинг мусиқий таълим жараёнида фаол иштирокини таъминлайдиган замонавий таълим технологиялари ҳамда методларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Замонавий таълим технологиялари ва методларини қўллаш, ўқитиш жараёнида ижодий муҳитни юзага келтиради, ўқувчилар фаоллигини оширади, фортепиано бўлими ўқитувчи эса тайёр билимларни етказувчи эмас, балки ўқувчиларнинг билимларини мустақил ўзлаштирилиши учун шароит яратиб берувчи, мусиқий таълим жараёнининг йўналтирувчиси ёки маслаҳатчисига айланади.¹

¹ Отамирзаев О. У., Зокирова Д. Н., Вахобова С. К. Методические рекомендации по организации самостоятельной работы студентов. // International Scientific Journal. 2016 г. № 4. 18 стр.

Замонавий муסיкий таълим шароитида ўқувчи фикрлаш ва амалий фаолият орқали таҳсил олиш, таҳлил қилиш орқали маълумотни эслаб олиш, мазмунини тушуниш, амалий фаолиятга боғлаш, фортепиано чолғу асбобида амалий машқлар ҳамда тажрибалар ўтказиб бориш, мустақил қарор қабул қилиш, янгиликлар топиш (изланиш) кўникмасига эга бўлиши керак.

Шунинг учун, ҳозирги кунда замонавий технологияга асосланган оламшумул мултимедиа воситали ахборот тармоқларидан бўлган сари мувоффақият билан фойдаланилмоқда ва унинг қудрати ортиб борапти. Ҳар биримизнинг ҳаётимизда ахборот оламининг аҳамияти кучаймоқда.

Матн, тасвир, овоз ва видеолар билан ишлашда AutoPlay Media Studio 8 дастурининг имкониятлари катта. AutoPlay Media Studio 8 дастури график дастурлар туркумига кириб, унда асосан кичик ҳажмдаги электрон қўлланмалар яриташ мумкин².

Исталган файл ёки файллар тўплами битта муҳитга бирлаштириш, қолаверса, SD ёки DVD дисклар учун Autorun - менюсини ҳосил қилишда AutoPlay Media Studio энг кучли визуал пакет ҳисобланади.

Мултимедиа технологияларида асосланган амалий дастурларни яратиш учун AutoPlay Media Studio ишлашда деярли дастурлаш ишлари талаб қилинмайди. Фойдаланувчи фақат турли дизайнли дастурий муҳитни танлаш учун бир нечта тайёр шакллардаги лойиҳа шаблонларидан фойдаланиши мумкин.

Санъат коллежи ўқитувчисидан таълим жараёнида «Фортепианода чалишни ўргатиш услубиёти» фаннинг ўқув мақсадлари ва аҳамиятини тушунтира олиши, ўқувчиларни касбга қизиқтириш ҳамда йўналтириш, мустақил таълим олишларини ташкил этиш, ўқувчилар билим ва

² Бордовский Г. А., Готская И. Б., Ильина С. П., Снегурова В. И. Использование электронных образовательных ресурсов нового поколения в учебном процессе. Научно-методические материалы. М., 2007г. 56 стр.

қўникмаларини баҳолаш билан бир қаторда билимлар манбаини ҳам баҳолаб бориши, яъни доимий изланишлар олиб боришни талаб этади.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги таълим шароитида санъат коллежи ўқувчиларини мустақил билим олишга ҳамда ўрганишга шундай тайёрлаш керакки, улар олган билимларини амалий машғулотларда тадбиқ қилишни қисқа муддатда мустақил ҳолда самарали ўзлаштира олишлари лозим.

Мамлакатимиздаги муסיқий таълим муассасаларида талабаларнинг назарий ва амалий мустақил таълим олишлари учун катта имкониятлар яратилган.

Мустақил таълим олишда талаба ўзи мустақил равишда адабиётлар, дарсликлар, газета ва журналлар, радио ва телевидение, электрон дарсликлар, ўқув қўлланмалари, интернет ресурслари, Ziyonet материаллари ва ўқув-услубий мажмуалардан фойдаланиши назарда тутилади. Мустақил таълим - ўқув материални мустақил ўзлаштириш, мураккаблик даражаси турлича бўлган топшириқлар, амалий вазифаларни аудиторияда ҳамда аудиториядан ташқарида ижодий ва мустақил бажариш асосида назарий билим, амалий қўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган тизимли фаолиятдир.

Мустақил ишлар дидактик мақсади, вазифаси, мураккаблик даражаси, кимга (индивидуал ёки жамоа учун) мўлжалланганлигига қараб, бир-биридан фарқ қилади. Мустақил таълим жараёнида танланган мавзуларнинг илмийлиги, тизимлилиги ҳамда ўқув материалларининг қизиқарлилиги, амалиёт билан боғлиқлиги, фанлараро алоқадорлиги, шунингдек бериладиган мустақил ишлар ва топшириқларнинг ижодий характерга эгалиги муҳимдир ўқувчиларнинг фаол мустақил иши фақат жиддий ва мустаҳкам асосларгагина таянади. Энг кучли асословчи омил - бу кейинги самарали касбий фаолиятга тайёргарликдир.

Яхши тайёргарликка эга бўлган иқтидорли талабалар ижодий ва изланиш хусусиятига эга бўлган мураккаб топшириқларни бажарадилар.

Камроқ тайёргарликка эга бўлган талабалар, соддароқ топшириқларни бажарадилар, бироқ шунга карамай, топшириқлар устида ишлаш уларга умумий масалани ҳал этишда гуруҳ билан бирга ишлашга имкон беради. Ўқувчиларнинг мустақил таълим олишларини муваффақиятли ташкил этиш учун фанни ўрганишда услубий қўлланмалар зарур бўлади. Услубий қўлланмаларда ишнинг батафсил алгоритми, муаммоли баҳслар учун мавзулар, мустақил ўрганиш учун адабиётлар, топшириқлар, компьютер тест ва такдимотларни бажариш бўйича маслаҳатлар, ўз-ўзини назорат қилиш учун савол ва тестлар келтирилган назарий материал, амалий вазифалар, глоссарий ва ҳ.к.лардан иборат бўлиши керак.

Ўқувчиларга ўқув фанини мустақил фаолиятда ўрганиш ва билимлар сифатини доимий ўзи текширишини ташкиллаштиришда ёрдам бериш учун мўлжалланган.

Берилган ўқув машғулоти тўғрисида маълумотни, жумладан қўзланаётган ўқув натижалар, мустақил иш учун топшириқлар; уларни бажаришни таъминловчи ўқув материал ва услубий тавсиялар; ўқув ютуқларини ўзи текшириши учун тест, топшириқ ва саволлардан иборат. Ўқувчини ўқув машғулотида мустақил тайёрланишида ва ўқув жараёни вақтида унинг мустақил фаолиятини ташкилий-дидактик таъминлаш вазифасини бажаради. Ўқув ютуқларини доимий ўзи назорат қилишини таъминлайди.

Бундан ташқари ўқувчиларнинг мустақил таълимини ташкил этишда амалиётларнинг аҳамияти жуда катта бир амалиёт турлар танишув, малакавий ва педагогик амалиётлар киради. Ҳар қайси амалиёт талаб даражасида ташкил этилса ўқувчиларнинг мустақил таълимга ижобий таъсир кўрсатади. Яъни ўқувчилар амалиёт вақтида кўрган ёки ўз қўллари билан бажарган ишлар натижаларига баҳс бериб, кўникма ҳосил қиладилар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008й.

2. Отамирзаев О. У., Зокирова Д. Н., Вахобова С. К. Методические рекомендации по организации самостоятельной работы студентов. // Интернационал Ссиентифис Жоурнал. 2016 г. № 4. 18 стр.
3. Бордовский Г. А., Готская И. Б., Ильина С. П., Снегурова В. И. Использование электронных образовательных ресурсов нового поколения в учебном процессе. Научно-методические материалы. М., 2007 г. 56 стр.